

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/30.12.2019.Ү.а.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙДИВАЛИЕВА ХУРШИДА ХОДЖИАКБАРОВНА**

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ**  
**ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03-Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.  
Халқаро хусусий ҳуқуқ.

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна</b> Аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш.....	3
<b>Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна</b> Договорно-правовое регулирование аудиторской деятельности.....	25
<b>Saydivalieva Khurshida Khodjiakbarovna</b> Contractual legal regulation of audit activity.....	45
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Уш.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙДИВАЛИЕВА ХУРШИДА ХОДЖИАКБАРОВНА**

**АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03-Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.  
Халқаро хусусий ҳуқуқ.

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD/Yu304 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Рўзиев Рустам Жабборович</b> юридик фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Қараходжаева Дилором Мамировна</b> юридик фанлари доктори, профессор <b>Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович</b> юридик фанлари номзоди, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар</b> <b>вазирлиги Академияси</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (930- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» сентябрь куни тарқатилди.

(2020 йил «22» сентябрдаги 25- рақамли реестр баённомаси).

**И.Р. Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Д.Ю. Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**С.С. Гулямов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аудиторлик фаолиятининг хизмат турларидан фойдаланиш кенг ривожланган. Хусусан, IFAC – Халқаро бухгалтерлар федерациясининг расмий ҳисоботида кўра, 130 га яқин давлатларда 175 дан зиёд профессионал бухгалтерлар уюшмалари, 3 миллиондан зиёд профессионал аудиторлар, 100 мингдан ортиқ аудиторлик ташкилотлари мавжуд. Улар орасида «Катта тўртлик»нинг шартномавий мажбуриятларини бажаришдан келиб тушган умумий даромад 2019 йилда 155 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу сўнгги беш йил ичида кўрсатилган аудиторлик хизматларининг 25,3%га ошганлигини кўрсатди. Биргина Deloitte ташкилотининг ўзи 150 та давлатда 1600 дан зиёд шартнома асосида аудиторлик текширувларини ўтказиб, 46,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi даромад<sup>1</sup>ни қайд этди, мазкур жараёнда аудиторлик фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш аҳамиятини ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Жаҳонда аудиторлик фаолиятининг бир кўриниши сифатида аудиторлик хизматларининг ишончлилиги ва сифатини ички ҳамда ташқи назорат қилиш, аудиторлик хизматлари сифатининг мезонлари каби масалаларнинг долзарблиги билан биргаликда рақамли иқтисодиётда катта маълумотлар базасининг таҳлили (big data analytics) билан ишлаш, блокчейн, дронлар, краудсорсинг, майнинг, корхона молиявий ҳолатининг башорати (legal due diligence), ақлли шартномалар, когнитив технологияларнинг пайдо бўлиши аудиторлик фаолиятининг узлуксиз мониторинги, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тарафларининг шартномавий мажбуриятларини бажаришда ушбу технологияларни қўллаш бўйича шартнома шартлари ва шартномавий жавобгарлик масалаларининг ечимини топиш долзарб масалалардандир.

Республикамизда аудиторлик фаолиятининг такомиллашуви жараёни давом этмоқда, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 98 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатган, аудиторлар сони 584 кишини ташкил қилган. Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро стандартлар асосида аудиторлик хизматлари сифатини ташқи назорат қилишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш<sup>2</sup>, аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишда шартноманинг регулятив функциясини ошириш, шунингдек, шартнома мажбуриятларини халқаро стандартларга уйғун равишда бажариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (2000), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

<sup>1</sup><https://www2.deloitte.com/content/dam/deloitte/global/documents/about-deloitte/about-deloitte-global-report-public-interest-2019.pdf>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси //www.lex.uz/docs/3914502.

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги (1998), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2014), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (1996), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (1995) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) ПФ-4947-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) ПҚ-3946-сон Қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ва унинг бир тури сифатида аудиторлик фаолияти ҳамда уни амалга ошириш шакли сифатида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга оид назарий тадқиқотлар: Д.М.Қараходжаева, Т.А.Мўминов<sup>1</sup>, Н.С.Нарматов<sup>2</sup>, Ф.Х.Отахонов, О.Оқюлов, Д.Б. Рахимов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, М.Р.Раҳманқулов, Р.Ж.Рўзиев, Ш.Н.Рўзиназаров, К.О.Синдаров, Х.Турдибоев, Ф.Ю.Шодмонов, Н.Ҳ.Эгамбердиева, К.Қодиров, З.Қурбоновлар томонидан олиб борилган. Жумладан, хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари бўлмиш юридик хизмат кўрсатиш масалаларини Ф.Ҳ.Отахонов, туристик хизмат кўрсатиш муаммолари У.Н.Дўстов, махфий маълумотлардан фойдаланиш ва уларнинг ҳимояси Н.Д.Раимова<sup>3</sup>, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари Н.Ш.Саид-Газиёева, реклама хизмати кўрсатишга оид шартномалар бўйича Б.К.Ходжаев, суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари М.А.Аминжонова, радиотелефон алоқаси хизматини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга оид масалалар К.К.Низомиддинов, телефон алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари Р.Х. Хурсанов, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш масалалари Ф.А.Вайтова каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.

Чет эл олимлари аудиторлик фаолиятининг хизмат кўрсатиш соҳаси, шунингдек, аудиторлик фаолиятида ижрочи ва буюртмачи муносабатларининг ҳуқуқий тавсифига аҳамият қаратганлари ва ушбу

<sup>1</sup>Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Дис...юр.ф.н. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.91.

<sup>2</sup>Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий -ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари юрид.ф.н.док. дис. автореф. –Тошкент. 2009. –46 б.//www.tsul.uz.

<sup>3</sup> Раимова Н.Д. Использование и защита конфиденциальной информации в гражданском обороте. Дис... д-ра. юрид.наук. –Ташкент: 2018. 312 с.

йўналишдаги Ansha Lata Prasad, A. Arens, D.J.Vilingem, R.Duglas Karmikel, J.S.Robertson, K.A.Sheller, M. Makorinyangau, F. Yangyang, K. Turner, H.Kubra Kandemir<sup>1</sup>ларнинг илмий ишлари диққатга сазоворлигини эътироф этиш мумкин.

Аудиторлик фаолияти ва аудит самарадорлиги ҳамда сифатига оид илмий тадқиқот ишлари Alliance Manchester Business School (Англия) Ch.Humphrey, аудит текширувларида блокчейнлардан фойдаланиш, Istanbul Commerce University (Туркия) I.Turker, A.Bicer<sup>2</sup>, компьютер аудити бўйича Владивосток давлат иқтисодиёт ва сервис университетида (Россия) В.И.Сороковойлар томонидан амалга оширилмоқда.

МДХга аъзо давлатларда аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси ва аудиторлик хизмати алоҳида хизмат тури сифатида Р.А.Абдуллаева, Р.Н.Аганина, Е.Р.Баханькова, Е.П.Богданова, М.И.Брагинский, Л.И.Булгакова, В.М.Вакаров, В.В.Витрянский, А.А. Демин, О.В.Елифанов, А.А. Исаев, В.Э.Килин, В.Н. Колесников, Ю.Ю.Кочинев, Х.Х.Курбанова, Д.В.Литвин, А.А.Марьина, А.Мирзоалиев, Д.И.Степанов, И.В.Тордия<sup>3</sup>, Д.Д.Хошимов, А.А.Чумаков, А.А.Чирковлар томонидан ўрганилган.

Гарчи мазкур олимлар томонидан аудиторлик фаолияти ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган бўлса-да, аудиторлик фаолиятини шартномавий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг регулятив жиҳатлари алоҳида комплекс тарзда ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши мавзуси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Илмий кенгашининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишлар», «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлаш масалалари» илмий тадқиқотларнинг комплекс дастурлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аудиторлик фаолияти ва унинг ҳуқуқий асоси сифатида шартнома мазмун-моҳиятини таҳлил этиш асосида ушбу институтни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш билан боғлиқ илмий амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

аудиторлик фаолияти генезисини аниқлаш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

---

<sup>1</sup>Kandemir H.K. Understanding external auditing and its regulation in the EU and in Turkey: A way to Convergence?, Durham theses, Durham University. 2014.- P.53/ <http://etheses.dur.ac.uk/10900>.

<sup>2</sup>Turker I.,Bicer A. How to use blockchain effectively in auditing and assurance.//Digital Business strategies in Blockchain ecosystems, pp.457-471. <https://www.researchgate.net/publication/337154815>.

<sup>3</sup>Тордия, И. В. Правовое регулирование аудиторской деятельности в Российской Федерации. автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2003. – С. 26 -30.

аудиторлик фаолияти тушунчаси ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

аудиторлик фаолиятининг бир кўриниши сифатида аудиторлик хизматининг турлари ва белгиларини тадқиқ этиш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тушунчаси, турлари ва ҳуқуқий табиатига хос жиҳатларини очиб бериш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг муҳим шартлари, шакли ва уни тузиш ҳамда расмийлаштириш масалаларини тадқиқ этиш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини таҳлил этиш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлик асослари ва шартномани бекор қилиш тартибини аниқлаш;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича аудиторнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини тадқиқ этиш;

аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** аудиторлик фаолиятига оид шартномавий ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** аудиторлик фаолияти ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, статистик таҳлил, мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил каби усуллар қўлланилган. Шунингдек, тадқиқотни ўрганишда қонунчиликни шарҳлаш ҳамда таҳлил этиш каби услублардан ҳам кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«аудиторлик фаолияти», «аудиторлик текшируви», «аудиторлик турдош хизматлари» ва «аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси» тушунчаларига илмий таърифлар ишлаб чиқилган ҳамда аудиторлик текширувининг мақсади қонун ҳужжатлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқлигини аниқлаш эканлиги асосланган;

аудиторлик текширувини ўтказиш шартномасида аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлашга оид ҳамда шартнома ижросини таъминлашга оид шартлар, шунингдек, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро аудит стандартлари асосида бажарилиши зарурлиги асосланган;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича аудиторнинг малакасига оид талаблар ҳамда аудиторлик ҳисоботининг топширилишини чекловчи шартларнинг аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида белгиланишига йўл қўйилмаслиги асослаб берилган;

ташки аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёнида буюртмачига оид махсус маълумотларни унинг розилигисиз ошкор этиш мумкин эмаслиги асосланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда банк ва банклар гуруҳида амалга ошириладиган аудиторлик текширувнинг мақсадига оид нормалар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунидаги аудиторлик текшируви мақсадига оид нормаси талабидан келиб чиқиб, уйғунлиги ва мослашуви асосланган;

аудиторлик хизмати ўз мазмуни бўйича алоҳида хусусиятга эгаллигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг тегишли моддаларига аудиторлик ташкилотларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга оид норма киритилиши зарурлиги асослаб берилган;

аудиторлик хизмати сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид махсус аудиторлик ташкилотлари иш сифати назорати ва унинг турларига оид норма ишлаб чиқилган;

шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро аудит стандартлари асосида бажарилишига оид бандга эга бўлган, шунингдек, аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлашга оид алоҳида қисмга ҳамда шартнома ижросини таъминлашга оид шартлардан иборат бўлган аудиторлик текширувини ўтказиш шартномасининг намунавий шакли ишлаб чиқилган;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасига оид алоҳида норма киритиш зарурияти ҳамда ташқи аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёнида аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида буюртмачига оид махсус маълумотларнинг ошкор этилмаслигига доир таклифлар асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижалари миллий ҳамда халқаро норматив ҳужжатлар, «Халқаро бухгалтерлар федерацияси» ва «Катта тўртлик» йиллик ҳисоботлари ҳамда шартномалари, хорижий ва республика аудиторлик фаолияти амалиёти ҳамда тажрибаси, статистик маълумотлар таҳлили, суд-ҳуқуқ амалиёти материалларига асосланган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан «Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси» форумларида иштироқи давомида олинган маълумотларга таянилган. Диссертация хулоса ва таклифлари апробациядан ўтказилган ҳамда республика ва чет эл нашрларида эълон қилинган, шунингдек, илмий-амалий таклифлар татбиқ этилганлиги «Ўзбекистон Аудиторлар палатаси» томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, келтирилган илмий-назарий хулосалар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонун нормаларига қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланган ҳамда улардан қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аудиторлик фаолиятида аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг халқаро стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқилган намунавий шартноманинг амалиётда қўлланилишида, шунингдек, олий юридик таълим муассасаларида «Фуқаролик ҳуқуқи», «Бизнес ҳуқуқи» фанлари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аудиторлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«аудиторлик фаолияти», «аудиторлик текшируви», «аудиторлик турдош хизматлари» ва «аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси» тушунчаларига оид илмий таърифларнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишида эътиборга олиниши қайд этилган ҳамда аудиторлик текширувининг мақсади қонун ҳужжатлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ равишда шакллантирилиши Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 74-моддаси биринчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2011 йил 2 февралдаги 06/1-02/158-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 06/2-02-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар аудиторлик фаолиятига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга ҳамда аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида аудиторлик текширувлари мақсадини белгилаб берувчи бандни шакллантиришга хизмат қилган;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлашга оид алоҳида қисм, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро аудит стандартлари асосида бажарилишига оид бандга эга бўлган, шунингдек, шартнома ижросини таъминлашга оид шартлардан иборат бўлган аудиторлик текширувини ўтказиш шартномасининг намунавий шакли амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2020 йил 13 мартдаги 28-сонли маълумотномаси). Ушбу намунавий шакл аудиторлик хизматини кўрсатишда молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш мақсади, даври, қўлами ва муддатини аниқлаштиришга хизмат қилган ҳамда ундан конкрет ҳолатлар бўйича шартномавий тартибга солиш жараёнида ҳуқуқий ҳужжат сифатида фойдаланилган;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича аудиторнинг малакасига оид талаблар ҳамда аудиторлик ҳисоботининг топширилишини чекловчи шартларнинг аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида белгиланишига йўл қўйилмаслиги асослаб берилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 75-моддасининг биринчи қисми ва учинчи қисмида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 06/2-02-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар банк аудитини ўтказишда аудиторнинг махсус сертификат ва лицензияга эга бўлиши шарти банк қонунчилигида мустаҳкамланишига ҳамда банк аудити бўйича тайёрланган аудиторлик ҳисоботларини Марказий банкка чекловларсиз топширилишига оид норманинг белгилаб берилишига хизмат қилган;

ташқи аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёнида буюртмачига оид махсус маълумотларни унинг розилигисиз ошкор этиш мумкин эмаслигига, аудиторлик хизматининг сифатига ва шартнома тарафлари жавобгарлигига оид таклифлар ҳамда тавсиялар инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 06/2-02-сон, Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2011 йил 12 апрелдаги 12-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифлар ташқи аудитор томонидан олинган ахборотларни Марказий банкнинг розилигисиз ошкор этилмаслигини белгиловчи норманинг шаклланишига ҳамда аудиторлик хизматлари сифатининг ташқи ва ички назоратига оид нормаларнинг қонунчиликда мустаҳкамланишига имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари 13 та илмий конференцияда жумладан, 4 та халқаро илмий-амалий ва 9 та республикадаги илмий-назарий ҳамда илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусига оид жами 26 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 11 та илмий мақола (1 та хорижий нашрларда), 14 та тезис чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда аудиторлик фаолияти генезиси ҳамда ҳуқуқий асосларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, «аудиторлик фаолияти» тушунчаси ва унинг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари, аудиторлик хизматининг фуқаролик шартномавий белгилари ва турларига оид масалалар таҳлил этилган.

Диссертант фикрича, аудит, аудиторлик фаолиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, ўзининг ривожланиш эволюцияси давомида сиёсий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий талабларга мос равишда кўринишлари, шакллари, турларини ўзгартириб келган. Аудит ва аудиторлик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши ҳар бир давлат учун ўзига хосдир.

Муаллиф аудитнинг халқаро миқёсда ривожланишининг учта, яъни илк даври, ўрта даври, замонавий давр босқичларига ажратиб таҳлил қилади. Диссертант, аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мазмунан «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» ва «давлат механизми» тушунчалари асосида шаклланганлигини таъкидлаб, «давлат механизми» орқали аудиторлик фаолиятини йўналтириш, шакллантириш ҳамда назорат қилиш нуқтаи назаридан икки шаклни ривожланган мамлакатлар амалиётида кўрсатиб ўтади. Биринчиси, Австрия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг махсус марказлашган давлат органлари томонидан тартибга солиш шакли. Иккинчиси, аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг ўзини ўзи тартибга солиш шакли бўлиб, унга кўра (АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси), ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат жамоат ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти бошқарилади.

Тадқиқот ишида аудиторлик фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатидан амалиётда икки хил усул мавжудлиги қайд этилади. *Биринчи усул:* қонунчилик йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш; яъни қонун қабул қилиб, унинг асосида мавжуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. *Иккинчи усул:* шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш, аудитор ва мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни улар ўртасида тузиладиган шартнома асосида ҳуқуқий тартибга солишдир.

Тадқиқотчи аудит ва аудиторлик фаолиятига оид кўплаб ҳуқуқшунос (Ю.Е.Булатецкий, Е.П.Губин, И.А.Зенин, В.Н.Колесников, П.Г.Лахно, Т.А.Мўминов, Н.С.Нарматов, И.В.Тордия, Ш.Н.Рўзиназаров) ҳамда иқтисодчи олимларнинг (К.Б. Аҳмаджонов, Е.Р.Баханькова, Т.А.Битюкова, Е.П.Богданова, В.А.Ерофеева, Ш.И. Илҳомов, Ю.Ю.Кочинев, Д.В.Литвин, З.Т.Маматов, Б.Н.Муйтинов, В.А.Пискунов, М.М.Тулаходжаева) фикрларини таҳлил этади. Диссертант фикрича, «аудит» тушунчаси деганда умумий атама шаклида иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар тадбиркорлик фаолияти ҳисобланган мустақил аудиторлик текширувини назарда тутадилар. Қонунчилик ва илмий адабиётлар, амалиёт таҳлили, қолаверса, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида, аудит икки хил маънода қўлланилиши мумкин: 1.Аудит – бу умумий мазкур аудиторлик текшируви ва аудиторлик фаолияти таркибига кирувчи барча хизматларнинг умумий номи. 2.Аудит – бу аудиторлик текшируви.

Диссертацияда «аудиторлик текшируви» тушунчаси алоҳида таҳлил этилиб, унинг давлат органлари текширувларидан ўзига хос белгилари билан

ажралиб туриши қайд этилади. Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳалқаро аудит стандартлари таҳлили асосида аудиторлик хизматларининг аудиторлик текшируви; аудиторлик текширувига турдош бўлган хизматлар (умумий текшириш, келишилган таомиллар, молиявий маълумотнинг компиляцияси) ва аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа хизматлар турлари борлиги кўрсатиб ўтилади.

Диссертант фикрича, аудиторлик хизматининг натижаси бўлмиш аудиторлик хулосаси «иш» ларга хос бўлган хусусият, моддий натижанинг мавжудлиги деган тушунча билан мос тушмайди. Сабаби «иш»ларда кўпчилик ҳолларда ишларни бажарувчи пудратчининг ҳаракатлари ишнинг моддий натижаси билан узвий боғлиқ бўлса, хизматларда, айниқса, аудиторлик хизматида натижа аудиторнинг ҳаракатлари билан узвий боғлиқдир.

Тадқиқотда аудиторлик хизматининг «ишлар» тушунчасидан фарқ қилувчи жиҳатларига ашёвий кўринишда бўлмаган натижа билан боғлиқлиги, фақат ҳаракатлардан иборат эканлиги; мажбуриятлар аудиторлик хизматларини кўрсатиш юзасидан вужудга келиши, аудиторлик хизматларини кўрсатишда аудиторнинг ҳаракатлари унинг натижаси, яъни аудиторлик хулосасидан ажралмас эканлиги, аудиторлик хизматларининг сифат даражасини аниқлашнинг объектив мезонлари йўқлиги билан боғлиқлиги асослаб берилди.

Аудиторлик хизматининг умумий хизматларга хос хусусият ва белгиларидан ташқари, фақат ўзига хос бўлган хусусиятлари борлиги таъкидланиб, улар аудиторлик хизматини ўзга хизмат турларидан ажратиб туриши таъкидланади. Ҳозирги даврда мазкур хизматларнинг рўйхати кенгайиб бораётганлиги, жумладан, *форензик* – корпоратив бошқарув ва ташкилий ҳуқуқий, молиявий ҳолатлардаги келишмовчиликлар ҳамда *фирибгарликларни аниқлаш хизмати*, *дью дилидженс* – компания молиявий ҳолатининг башорати хизмати кабилар кенг тарқалмоқда. Шу ўринда мазкур турдаги хизмат турларининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва тартибга солиш муаммоси юзага келмоқда. Диссертант назарида мазкур турдаги хизматларни кўрсатишга оид нормаларни Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Банкларнинг ташқи аудиторлар томонидан текширилиши ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ишончли банк хизматининг мавжудлигини кўрсатиб берувчи омиллардандир. Бу борада банк назорати бўйича Базель қўмитасининг ташқи аудитга оид талаблар ва банк назоратига оид стандартларни ишлаб чиқиши, SWOT таҳлили, CAMEL рейтинг, BOPEC – the Feds Bhs rating system, миллий рейтинг агентлиги «Ахбор-рейтинг» каби банкларнинг рейтингини аниқловчи турли мезонларнинг яратилганлиги банк тизимидаги фаолият ва унинг молиявий ҳисоботининг шаффофлиги муҳимлигини кўрсатади. Ҳар бир банк унинг йиллик молиявий ҳисоботининг натижасига қараб, рейтинг қилинади ва бунда аудиторлик хизмати ва текширувининг аҳамияти ва роли катталиги аён. Шу жиҳатдан ҳам банк ва банклар гуруҳи аудиторлик текширувининг мақсади

амалдаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини банкнинг молиявий ахбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрилигини аниқлашдан иборат бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Диссертацияда халқаро аудиторлик компаниялари (Deloitte «Optix» аналитик дастури, KPMG «Watson», «Clara» смарт аудит платформаси, шунингдек, Microsoft Excel билан биргаликда СААТ, GAS, ASL, Outlier Analysis, Benfords Law Analysis дастурлари) фаолиятида кенг қўлланаётган дронлар, рақамли аудит, data mining, аудит операцияларини роботлаштириш, блокчейн, сунъий ақл, аналитик дастурлар каби илғор технологиялар ва уларнинг аудиторлик текширувларидаги самаралари ўрганилиб, миллий аудиторлик ташкилотлари амалиётида улардан фойдаланиш таклиф этилади.

Диссертациянинг «**Аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида**» деб номланган иккинчи бобида, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тушунчаси, турлари ва ҳуқуқий табиати, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг муҳим шартлари, шакли ва уни тузиш ҳамда расмийлаштириш масалалари, шунингдек, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, таҳлил этилади.

Диссертант М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, О.С.Иоффе, О.А.Красавчиков, Л.А.Лунц, И.Б.Новицкий, Ҳ.Раҳмонқулов, Р.Ж.Рўзиев, Е.А.Сухановларнинг бозор иқтисодиёти шароитида шартноманинг аҳамияти ва ҳуқуқий табиати ҳақидаги фикрларини таҳлил этади.

Тадқиқотчи фикрига кўра, шартнома тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг вужудга келишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлик фаолияти ва унинг таркиби бўлмиш аудиторлик текшируви ҳамда аудиторлик хизматларига оид муносабатларнинг вужудга келишида ва бу муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишида шартноманинг роли ва аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, ижрочи ва буюртмачи ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари мазкур шартномани ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси турларидан бири эканлигини кўрсатади.

Диссертацияда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ҳамда пудрат шартномаси ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ўрганилиб, таҳлил этилади. Тадқиқотда Ф.А.Вайтова, Н.М.Голованов, У.Н.Дўстов, Т.А.Мўминов, Н.С.Нарматов, К.К.Низомиддинов, В.В.Пиляева, Ҳ.Раҳмонқулов, В.В.Ровный, И.В.Тордия, Б.Л.Хаскельберг, Б.К.Ходжаев, Р.Х.Хурсанов, Е.Г.Шабловаларнинг хизмат кўрсатиш шартномалари ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасига оид фикрлари ҳамда аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг қонун ҳужжатлари ва юридик адабиётларда турли номдалиги таҳлил этилади.

Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси, аудиторлик текширувини ўтказиш шартномаси ва

аудиторлик текширувига турдош бўлган хизматларни кўрсатиш шартномаси турлари ажратиб ўрганилди ва таърифлар келтирилди.

Муаллифнинг нуқтаи назарига кўра, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар таснифи бўйича ҳам алоҳида ўринга эга. Жумладан, аудиторлик текширувини ўтказиш шартномаси ихтиёрий ёки мажбурий шаклда тузилиши мумкин. Баъзи тадқиқотларда мазкур шартномалар ихтиёрий ёки мажбурий аудит ўтказиш шартномалари деб ҳам аталади. Аудиторлик фаолиятининг тадбиркорлик фаолияти эканлигидан келиб чиқиб, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг яна бир хусусияти – унинг тадбиркорлик фаолиятида тузиладиган шартнома эканлиги қайд этилади. Тадқиқотчи таҳлиллар асосида аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий белгиларини кўрсатиб беради: аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси икки томонлама, консенсуал, ҳақ бараварига тузиладиган, тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартнома эканлиги асослаб берилади.

Муаллифнинг назарида, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг муҳим шартларига: қонун талаблари асосида шартнома предмети, аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш муддати киради. Шунингдек, муаллиф аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг одатдаги шартларини ҳам кўрсатиб беради. Уларга тадқиқотчи, *биринчидан*, аудиторлик хизматлари учун тўланадиган ҳақ ва хизматлар ҳажмини киритади. *Иккинчидан*, хизмат сифати ва хизмат сифати лозим даражада бўлмаганлиги учун аудиторнинг жавобгарлигига оид шартлар киритилиши асослангирилади. *Учинчидан*, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида шартнома тузилган сана, жойи ва тарафлар истагига кўра, бошқа қўшимча шартлар белгиланиши мумкин.

Аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси тарафлари, аудитор, яъни ижрочи ва буюртмачи ҳисобланади. Шартнома тузиш орқали улар муайян муносабатга киришадилар, бир-бирлари билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасига асосан, аудитор ўз ижросини бевосита буюртмачига қаратади ҳамда молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларда аудиторга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбурият юзага келмайди. Лекин аудитор нафақат буюртмачи олдида жавобгар, балки аудитор берган маълумотлардан фойдаланувчи учинчи шахсларга нотўғри ахборот натижасида етказилган зарар учун ҳам жавобгардир. Шартнома ёзма шаклда тузилиши шарт. Шу билан бир қаторда, аудитнинг ижтимоий муносабатлардаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда шартнома тарафларининг ягона ёзма ҳужжатни имзолаши мажбурийдир, акс ҳолда шартнома тузилмаган ҳисобланади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш тартиби бевосита томонларнинг ўз хоҳиш-истакларига монанд шаклда тузилиши лозим. Яъни музокаралар механизми, шартнома шартлари эркин белгиланиши керак.

Аудиторлик хизматларини кўрсатишда аудиторлик ташкилотларига, яъни шартнома тарафи сифатида аудиторлик текширувини ўтказиш учун талаблар қўйилиши ҳам аҳамиятли жиҳатлардан бири саналади. Жумладан, халқаро аудит стандартлари ва миллий қонунчилик нормаларида аудиторнинг малакаси, ваколатлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг, сертификат ва айрим ҳолатларда махсус лицензияларнинг бўлиши талаб этилади. Бу, айниқса, банклар фаолиятида аҳамиятли бўлиб, бу ерда аудиторга бошқа аудиторлик текшируви буюртмачилари билан тузиладиган шартномаларга нисбатан фарқли равишда алоҳида талаб ўрнатиб берилади. Ушбу талаблардан бири- аудиторлик текширувини ўтказишни берувчи сертификат ва аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиядир. Мазкур талаб банкларда амалга ошириладиган аудиторлик текширувининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддалари ўзаро бир бирига мутаносиб шаклда эмаслигини кўриш мумкин. Жумладан, 43-моддаси 1-бандидаги «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим» деган қоидаларни мослаштириш лозимлиги асослангайди.

Муаллиф томонидан аудиторнинг махфий бўлган маълумотларини сақлаш мажбурияти «Аудиторларнинг касбий этикаси тўғрисида»ги кодекси ҳамда 210-сонли халқаро аудит стандарти талаблари асосида таҳлил этилади. Мазкур талабларни тадқиқотчи «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли нормаларида талаб сифатида белгилашни ўринли деб ҳисоблайди, бу, энг аввало, буюртмачи манфаатларининг ҳимоя қилиниши, аудиторга қўйиладиган мажбуриятлардан бирининг таъминлаши учун асос ва махфийлик тамойилининг амалга оширилишини таъминлайди.

Диссертацияда халқаро аудиторлик компанияларининг шартномалари ўрганилди. Deloitte ва PwC, Ernst & Young (EY) ташкилотларининг сўнгги 2 йиллик шартномалари миллий фуқаролик ҳуқуқий қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилди. Таҳлиллар натижасида мазкур ташкилотларнинг миллий қонунчиликдан фарқли бўлган ўзаро ҳужжат алмашинувидаги шартлар, учинчи шахсларнинг тарафлар ўртасидаги муносабатларига аралашуви, шартномани ижро этиш вақтида тарафларнинг ўз ишчиларини оғдириш каби хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги, аудиторлик ташкилотининг шартномада белгиланган хизматлар нархини ўзгартира олиши ва уларнинг шартлари мазмуни очиқ берилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича тарафларнинг жавобгарлиги**» деб номланиб, аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси мажбуриятларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлик асослари, шартномани бекор қилиш тартиби



ҳамда аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича аудиторнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари таҳлил этилган.

Муаллиф фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича тарафлар жавобгарлигига оид Э.А.Аренс, Д.А.Дубенцов, С.Мўминова, Т.А.Мўминов, Д.Рахимов, Н.Х.Эгамбердиева, А.А.Чумаков, И.В.Цибизова, О.Н.Протасова, Ф.Ю.Шодмонов, ва Ж.Лоббек каби олимларнинг фикрларини таҳлил этади. Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигида (АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия) аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича аудитор ва буюртмачининг жавобгарлик асослари, шакллари ҳамда жавобгарлик чораларини ўрганади. Хизмат сифати ва учинчи шахслар олдида аудиторнинг жавобгарлик масалалари бўйича АҚШнинг Arthur Andersen, Enron, WorldCom, Qwest Communications, Merck, Global Crossing каби компаниялари ҳамда Италиянинг Parmalat компанияси жавобгарлигига оид суд амалиёти таҳлиллари келтирилади.

Тадқиқот ишида аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари тарафлар томонидан ўз шартномавий мажбуриятларини қай даражада бажариши ҳолатидан келиб чиқиб белгиланиши таъкидланади. Аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида шартнома шартларини бузганлик учун неустойка ёки зарарни қоплаш шакллари кўрсатиб ўтилади ҳамда тарафлар ўртасидаги низо шартномада кўрсатилган шартни улардан бирининг бузиши оқибатида юзага келади. Диссертант аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида мажбуриятларни бажармаслик тарафларнинг шартнома шартларини, умуман, бажармаганлигини ифодаловчи ҳаракатсизликда намоён бўлади, деб таъкидлайди. Лозим даражада бажармаганлик эса, тарафларнинг ўз мажбуриятларини шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тарзда бажаришида намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуққа хилоф ҳуқ -атворнинг икки шакли: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизликни кўрсатиб беради.

Тадқиқотчи мамлакатимиз суд амалиётида учраётган низоларда кўп ҳолларда учраётган аудиторлик хизматини амалга оширганлик учун ҳақни, яъни шартномада келишилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаслик оқибатида дебиторлик қарзи бўйича низоларни таҳлил этади. Буюртмачининг аудиторга ҳақ тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида махсус норма мавжуд эмас. Бундай ҳолатда ушбу муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боби: «Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» умумий қоидалари қўлланилади. Буюртмачи аудиторга етказилган зарар учун пул тўлаши ёки неустойка тўлашга мажбур бўлади, агарда бу аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасида назарда тутилган бўлса. Бунда Фуқаролик кодексининг 325-моддаси қоидалари амалда бўлади, яъни агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка

белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйиладиган; зарар ҳам неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкин бўлган; кредиторнинг танловига кўра ёки неустойка ёхуд зарар ундириб олиниши мумкин бўлган ҳоллар белгиланиши мумкин.

Тадқиқотчи: «аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича жавобгарлик деганда, аудиторлик текширувини ўтказиш ёки аудиторлик текширувига турдош бўлган хизматларни кўрсатиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик- ҳуқуқий жавобгарлик тушунилади», деб таъриф беради.

Диссертант аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасининг тарафи сифатида аудиторнинг жавобгарлигини белгилашда бир нечта қонун ва қонуности ҳужжатлари иштирок этмоқда, деган хулосага келади. Ҳалқаро аудит стандартлари ёки Европа Иттифоқи директиваларида аудиторнинг жавобгарлик асослари сифатида аудиторнинг фирибгарлиги, корхона мулкдорлари олдида ва учинчи шахслар олдидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги асослари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аудиторнинг жавобгарлиги маъмурий-ҳуқуқий чоралар, жиноий-ҳуқуқий ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларидан иборатлиги таъкидланади.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир қуйидаги тавсиялар илгари сурилади:

### **I. Илмий-назарий хулосалар**

1.1. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Аудиторлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хилма-хил ва улар ўз қўлланиш даражаси, поғонаси ҳамда ўз даврий ривожланиш шаклига эга. Аудиторлик фаолиятини тартибга солишда ва уни амалга оширишда қонунчилик нормаларидан ташқари, аудиторлик фаолиятининг стандартлари ҳам мавжуд. Шунингдек, аудиторлик хизматлари билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар аудиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси орқали тартибга солинади.

1.2. Аудиторлик фаолиятининг тадбиркорлик фаолияти сифатидаги жиҳатлари қуйидагилар деган хулосага келинди: биринчидан, аудиторлик фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошира олади. Иккинчидан, аудиторлик фаолиятини амалга оширишдаги мустақиллик. Учунчидан, аудиторлик фаолиятида таваккалчилик ҳолатининг мавжудлиги. Тўртинчидан, аудиторлик фаолияти ҳақ эвазига даромад кўришни кўзлаб амалга ошириладиган фаолиятдир. Шунингдек, аудиторлик фаолиятининг тадбиркорлик фаолияти сифатидаги

юқоридаги белгиларидан ташқари, тегишли стандартлар ва таомилларга бўйсундирилганлик, шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишдаги шартномалар эркинлигига оид истисно ва чеклашларнинг мавжудлиги каби жиҳатлари ҳам мавжуд.

1.3. Аудиторлик фаолиятининг хизмат кўрсатиш тури сифатидаги фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларига оид қуйидаги хулосаларга келинди: *биринчидан*, аудиторлик фаолияти таркибига аудиторлик текшируви (аудит) ва аудиторлик текширувига турдош бўлган хизматлар киради ҳамда “хизмат-ҳаракат- фаолият” мантиқий занжирини ҳосил қилади;

*иккинчидан*, аудиторлик хизматларини кўрсатишга оид муносабатларда моддий объект эмас, балки юридик объектнинг устуворлиги намоён бўлади ва ушбу муносабатларнинг юридик объекти аудиторлик фаолияти ҳисобланади;

